

001845

Тариф киймати:  
 Сув 1 м<sup>3</sup> 400 (+НДС15%+100 сўм) сўм  
 Окава 1 м<sup>3</sup> 350 (+НДС15%+100 сўм) сўм

251141

-сонли шартнома

## II Гурух истеъмолчиларга ичимлик ва оқава суви хизматларини кўрсатиш учун

Тошкент ш.

« 12 » 01 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент шахар сув таъминоти" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи

(Узб Госсанегоз Бонишориси Бонишуз Шоси роҳов И.И.)  
(Ф.И.Ш.)

шахсида, бир домондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи  
Усб асосида иш олиб борувчи директор

Бонишуз мебдиёни шориси Г.Г. Шоси роҳов  
(Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, куйидагилар хақида тузили:

## I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш хажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гурух истеъмолчилари учун сув етказиш	<u>1062,50</u>	нарх бўйича <u>1411,76</u> м нн.
1м <sup>3</sup> сув учун	<u>400</u>	сўм (+ККС 15%), + сўм (махсус устама хак)ни ташкил килмоқда
1м <sup>3</sup> окава суюқлик учун	<u>350</u>	сўм (+ККС 15%) + <u>100</u> сўм (махсус устама хак)
Шу тарика шартноманинг умумий киймати	<u>1498,125,00</u>	сўмни ташкил килди.(сумма ёзув билан)
Шу жумладан, бюджет маблагларидан	<u>1498,125,00</u>	сўм, бюджетдан ташқари маблагларидан
		сўм бюджетдан ташқари маблаглардан

тўланиши кўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гурух истеъмолчилари Коидаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобварак-фактураларга асосан, Молия вазирилтиghi Фазначилити оркали сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар оркали амалга оширилди.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда баркарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув кувурлари тариф кийматида (ККС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-майший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариши хизматлари учун тўловларни ўз вактида амалга ошириш мажбуриятини ўз зинмасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувни чиқариши хизматлари кўрсатиш Коидалари"га (кейинчалик матнда – Коидалар деб юритилади), ва Тошкент шахар хокимининг 2020 йил 1 апрелдаги № 317-сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м<sup>3</sup> сув учун ва канализация хизматларига хам

1 м<sup>3</sup> 100 сўм маҳсус устама хак жорий этилган хамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва оқава сув чиқариш тизимида уланиши учун рухсат этувчи хўжатларга риоя килиш мажбуриятини ўз зинмасига оладилар.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасаруфидаги барча обьектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларининг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва шахар сув тизимида уланишдаги эҳтиёжини, етказиб берипнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган холда, кадастр нусхасини тақдим киласди, "Таъминотчи"ни ўз вактида сув ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар хақида хабардор қиласди.

## II. Умумий коидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ховлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вактдан ташқари сув сепини, хамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш катъян ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-майший эҳтиёжлари, ёнгинарни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариши жараёнлари учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармокларидан сув олиб, оқава сувларини "Истеъмолчининг" канализацион тармокларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқава сувини чиқариши шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Коидаларга" мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асборлари Ўзбекистон стандартларидан, метрология ва сертификатларидан агнетлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоги сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасини ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 20 августдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш курилмасининг шартли ўтказиб-канализацияни (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилди ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш курилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол килинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармогини кайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш курилмасининг кўрсатчилари кабул килинмайди ва ҳисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартибида амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиб-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш курилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш курилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши Иsteъmolchi томонидан факат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиха асосида амалга ошириши мумкин бўлиб, улар "Иsteъmolchinin" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хўжатларни илова килган холда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Иsteъmolchi" буюртмасига асосан, амалдаги месъёр, коидалар ва бошқа месъёр хўжатлар асосида лойихалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилиади.

2.7. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Иsteъmolchi" ва курилиш ташкилот вакилларининг иштироқида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариши хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариши қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъульият чегараси (сув ва оқава тизимлари, курилмалар ва ушарнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий ўй-жой мулқдорлари ширкатлари орасида куйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармогининг кириши курилмаси бўлиб, у коммунал тармокдан ўчирилади. Сув кувурини, шу жумладан узатиш курилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) оқава тизими учун магистрал оқава тизимига уланиши нуктасидаги сув чиқариши кудуги бўлиб, у "Иsteъmolchi"нинг ички оқава тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариши оқава кудуги магистрал оқава тармогида жойлашган бўлса, кўрсатилган кудук сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармогининг эксплуатацияси эса "Иsteъmolchi"нинг кучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва окова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соглигига, мулкига хаф тутдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилшини талаб қилиш;  
б) "Истеъмолчи" хисобидан хисоблаш курилмасини ўрнатиш;  
в) Тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва окова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганилиги учун "Таъминотчи"дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;  
г) "Таъминотчи"ни шартномани бекор қилиш тўгрисида, унинг бекор қилинишидан камидан 15 кун олдин огохлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки окова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;  
д) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, карзларнинг йўклиги хакидаги маълумотлар ва маълумотномани (шаҳсан ёки ўз вакили орқали) белул олиш;  
е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши хакидаги маълумотларни белул олиш;  
ё) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганилиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўгрисидаги далолатнома такдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чоратадибирларга тўгрисидаги маълумотларни олиш;  
ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик сувни билан таъминланмаганилик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аникланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вакт) учун кайта хисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш;

#### 3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартларини бажариш;  
б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва окава тармоқлари ва курилмаларнинг мувофиқ равишида кўрикланишини, уларга сув тошиши ёки пикастланишига, музлаб колиншига йўл кўймаслик, кудук копкоқларини кор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамғаларнинг бутлигини назорат қилиш, кудуклардан юза оқаваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинга қарип гидрантларга ўтиш йўлларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнгинга қарип гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлапини назорат қилиш;  
в) "Истеъмолчи" ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув кувури, окова тармоқлари ва курилмаларнинг устига турли буюм ва материалларнинг йигилишига ҳамда сув кувури, окава тармоқлари ва курилмаларнинг устидан иншоотлар курилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув кувури, окава тармоқлари ва курилмаларнинг устидан иншоотлар курилишига йўл кўймаслик.  
г) коммунал сув кувури, окава тармоқлари ва курилмаларнинг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар хакида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;  
д) сувни хисобга олиш приборларида яккол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлитика шикаст етган ёки узиб ташланганилиги тўгрисидаги ҳолат аникланганда ҳамда хисобга олинмаган ёнгинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳакида дархол ёзма равишида ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;  
е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вактида ва аниқ ётиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни "Таъминотчи" жорий ойнинг охирги кунидан кечикмаган ҳолда маълумотларни такдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;  
ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувништ ортиқ сарф қилинишига ва окава сувларининг метьёрдан ортиқ чиқарилишига йўл кўймаслик;  
ж) "Таъминотчи"ни ўз вактида сув ўтказиш-окава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар хакида хабардор қилиш;  
и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва окава тармоқлари, курима ва мосламатларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;  
й) ишлаб чиқариш окава сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини мөърдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;  
к) окава тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;  
л) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган сув ўтчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва окава тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни кўймаслик;  
м) жамоат сув ва канализация тизимларини обьектларига шикаст зарар етказган "Истеъмолчи" дархол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун "Таъминотчи" техник назорати остида ўзи етказилган шикастланиши бартараф этиш ва бехуда сарф килинган сув нархини тўлаши шарт.

#### 3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи" куйидаги ҳолларда, истеъмолчини 7 кун аввал хабардор килган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлик ёки кисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:  
б) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруfидаги сув узатиш ва окава тармоқлари, мослама ва курилмаларнинг техник ҳолати қоникариз ҳолатда бўлса ва "Истеъмолчи" техник фойдаланиш қондларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмаса;  
в) "Таъминотчи"нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруfидаги бўлган сув узатиш ва окава тармоқлари, мослама ва курилмаларида ишлар олиб бориш, тамға ўрнатишга ва бошқа ишларда "Истеъмолчи" томонидан асоссиз ҳалакт берилган тақдирда;  
г) "Таъминотчи" томонидан режали олдин олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва окава тармоқларида ишлар бажарилишида, "Истеъмолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истеъмолчи"ларни уланаш учун ишларни ўтказишида;  
д) "Истеъмолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруfидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиликларни уланиш олганлиги аникланганда;  
е) "Истеъмолчи" ўрнатилган муддатларда тўлов хужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширганда;  
ё) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истеъмолчи" тасарруfida бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини бергандা;

- ж) "Истеъмолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;  
з) энергия таъминоти тўхтатилганда;  
и) табиий оғатларда;  
й) аварияларда;  
к) ёнгиг чиккан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти туғилганда.

#### 3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;  
б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;  
в) тизимли равишида давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол обьектлари ва курилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишини амалга ошириш ва уларни тўғри ишланиши ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истеъмолчи"лар сувидан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишини аниклаш, сувни етказиб бориш ва истеъмол қилишини катъий назорат қилиш ва хисобга олиш, саноатга мувофиқларни мунтазам равишида назорат қилиш ва уларга тенглаптирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишини назорат қилиш;  
г) "Истеъмолчи"ларга индивидуал хисоблаш курилмаларини ўз хисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

- д) "Истельмолчи"лар сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал хисоблаш курилмаснинг яхши ишлабтганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамғаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниqlаган ҳолда) бир ойда қўли билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;
- е) "Истельмолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;
- ё) сув таъминоти ва истельмолига оид меъёрий-хукукий ва бошқа хужжатларнинг кабул қилингандиги хакида "Истельмолчи"ларни хабардор килиш;
- ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳаки тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;
- з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўклиги хакидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истельмолчи"га бепул бериш;

## VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим дарајада бажарилмаган ҳолларда келиб чиқкан зарарни, "Истельмолчи" эса етказилган ҳакиқий зарарни қоплаши шарт.

4.2. Истельмолчи куйдагилар учун жавобгардир:

а) сув хисоблаш курилмасидаги тамғалар, айланиш чизиги жўнраги, гидрантлар ва бошқа сув узитиши мосламаларидағи қисмларнинг унинг худудида ва тасарруфида бўлган тамғаланган хисоблаш курилмаларининг бутунлиги ва сакланиши учун;

б) сув тармокларига ўз бошимча уланиб олиш, совук сувни хисобга олиш курилмаларининг касддан бузилишига йўл кўйиш ҳамда сув хисоблаш курилмаларидаги кўрсаткичларни ташкаридан аралаш ан ҳолда ўзгаририш ҳолатлари учун;

в) конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчалик билан курилган ишшоатлар сабабидан, тармоклардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизими мавжуд бўйича "Истельмолчи" худудида жойланган окава тармогига ёмғир ва эриган кор сувларнинг тушиншига йўл кўймаслик. Ушбу коидабузарзик аниқланганда "Таъминотчи" ходими ўрнатилган тартибида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истельмолчи"нинг маъсуюнгат ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат киласди.

4.3 "Таъминотчи" куйдаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-хукукий хужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истельмолчи"ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вактида ва ишончли тақдим килиниши учун;

в) "Истельмолчи"нинг хаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарап, маънавий зарап учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва мидорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

## V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун хисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (кабул қилинган) сувнинг хисоби хисоблаш курилмаси мавжуд бўлганда, хисоблаш курилмаснинг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича КҚСни хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Окава тизимида келиб тушувчи окава сувнинг миқдори, шахар сув тармогидан етказиб бериладиган сув миқдорига тент. Марказлашган ҳолда иссик сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истельмолчи килинганиччи совук сув миқдорига 2.0 коэффициент кўлланилади. "Истельмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, окава сувларнинг миқдори унбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган хисоблаш курилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истельмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлик бўлмаслиги лозим.

## VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгартганда истельмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу хақда Таъминотчи билан далолатнома имзолани шарт. Истельмолчи чиқиб кетгач, сувни хисобга олиш асбоби, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектининг янги эгаси зиммасига юқланади.

6.2. "Истельмолчи"нинг сув узатиш-окава хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истельмолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб хисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви хажми қувурнинг ўтказиш кобилнятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан куйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q=Mx Fx \sqrt{2g x H} x t$$

бунда: M – 0.60га тент бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

F – суюклик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)<sup>2</sup>;

g – 9,81 м/сек га тент бўлган эркин тушини тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вакт- 24 соат, секундларда;

**Куйдаги ҳолатларда:**

6.3.1. "Истельмолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билац ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилгандан, автомапиналар ювилганда;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиқсан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув хажми ушбу шартнома 6.3 бандидан кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача хисобланади;

Сувни хисобга олиш асбоби истельмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч хисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Хисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп кўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни хисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II гурух истельмолчилари учун ушбу Қоиданинг 87-«б»банди бўйича хисоб-китоб килинади;

6.3.5. "Истельмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув истроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш тўғрисидаги талабномаси кондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг хисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги кўйилган химоя қоплагига рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соғ сарфини аниқлап имконияти чегаралганда;

6.4. Ичимлик суви ва окава сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгидан сакланыш гидрантлари ва хоналон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлап ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат киласди. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома сапасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган қун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар хисобга олинади.

-ўзбопимчалик билан уланиб олингган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансдаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат дарё аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар -ўзбопимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмас, бу муддат даъво муддатига тент деб олиниди;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тутагач буюртмати (объектни лойхалаштириши ва куришни бошлиш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган холда ёки муддати ўтган холда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва окава сувни чикариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳакидаги хужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, хоким қарори ва кадастр хужжатлари ва шу кабилар асосида, хужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб килишга ҳаклиди.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул килинган оқава сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талашибомалари асосида уларга хизмат қиливучи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичикад аспектсиз тартибида амалга оширилади. Тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг хар бир куни учун 0.4 % пея ёзди ва унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" хисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси орқали, хисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичидаги тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг хар бир даври учун, аввали ой тўловининг 100 % микдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кенинги ой хисобига кўшилади. Агар "Истеъмолчи" икки хафта муддати ичидаги тўловни амалга оширилмаса, "Таъминотчи" хеч қандай огоҳлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ва оқава сувларни чикариб юборишни карз ундирамагунга кадар тўхтатиб кўйиш хукукига эга. Бундай ҳолларда ёнғиндан сакланиши ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқава сув чикарishi тизимидан илгари узуб кўйилган ҳолларда кайта улашда II гурух истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш хақининг 10 (үн) баробари микдорида тўлов кайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблагларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин кор сувлари оқизилётган ишлаб чикариш оқава сувларни "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 3 февраль кунида қабул килинган 11 сонлиқ қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чикариш оқава сувларни қабул килиш қоидалари" хамда ифлослантируви моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошка аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганилиги учун "Истеъмолчи" ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффицент микдор тартибида хисобланади.

6.10. Хисоб-китобнинг нотўғри килинганилиги (тарифларнинг нотўғри хисобига олинганилиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзиладиган эътирознома тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод килмайди.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиккан низолар, келишув йўли билан ҳал килинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик Тошкент шаҳар туманлараро иктисадий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиккан тақдирда, Конунчиликда белгиланган тартибида ҳал килинади.

## VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошкени, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошка табиий оғатлар) натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажарини муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичидаги бошка томонни форс-мажор ҳолати бошлигандан муддатларни кўрсатган холда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўскинилж килса, томонлардан бири шартноманинг бекор килиш хукукига эга.

## IX. Шартноманинг амал килиши муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома разначилик бўлнималарида рўйхатга олингандан кундан бошлиб кучга киради ва 2021 йилнинг 31 декабригача амал қиласи.

## «ТАЪМИНОТЧИ»

«Тошкент шаҳар Сув таъминоти» МЧЖ

Тошкент 100060, Фидокор 2

Тел: 252-19-68, 252-60-79


Факс: 252-19-44

[www.suvsuz.uz](http://www.suvsuz.uz)



Рахбар  
М.У.  
« »  
М.У.  
(Ф.И.Ш., имзо)

202\_ й.




## Юридик хулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Хужалик юритувчи субъектларининг шартномавий-хукукий асоси тўғрисида"ти Конунчиларида мувофик тузилган

«ИСТЕММОЛЧИ»	
Бош илмий-методик марказ	
Тошкент ш., Олмазор тум., Зиё кўчаси, 3-й.	
Манзил	Моллия вазирлиги Газнавиийи Тошкент ш. XKKM МББ
р/з/х	факс
Банк	R 2340 2000 3001 0000 1010
Банк коди	СТИР
ХХХ	ЛН 201122919 МФО 00014
Шахсиий рагам	ЛН 100010860262807096200079004
Ишхоний хар	ИЛН 302410492 ОКОНХ 92200

Банк	TALIMAT
Банк коди	AYTORLAR
Рахбар	СТИР
М.У.	(Газнавиийи бузумаси номи)
« »	(Ф.И.Ш., имзо)
М.У.	202_ й.



«12» 01 2021 й.